


**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**Ш А Р Т Н О М А С И**

№

35/184

шарҳот тугаш ДКТ ва  
ООМХ давлат маркази

Улгуржи истъёмолчиларга электр энергияси етказиб бериш Шартномаси

2022 йил 21 октябрь 25/11/24 сон

геловот.т (шартнома тузилган жой)

Истъёмолчининг шахсий хисоб-раками:

35 11 84

" 2022 йил 20 октябрь " АЖ геловот туман (шаҳар) электр таъминоти корхонасида 2022 йил "10" 01 да рўйхатдан ўтказилган 55 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари ва раҳбарлар (электр таъминоти корхонаси раҳбарлигининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда иккинчи томондан Улгуржи истъёмолчи (кейинги ўринларда Истъёмолчи деб аталади) геловот.т.экт.ва.00.ч.с. геловот.т.экт.ва.00.ч.с. раҳбари (хўжалик юритувчи субъектининг тўлиқ исми)

(хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг ёки шартнома вақалининг Ф.И.Ш.)

билан Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истъёмолчига электр энергиясини уланган тэрмок оркали етказиб бериш ва Истъёмолчи истъёмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истъёмолчининг йиллик шартномавий ҳажми: актив энергияси кВт/соат; реактив энергияси кВар/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кундаги таҳминий нархи сўмни, тариф бўйича сўмни ташкил этади. Тариф турлари табақалаштирилган, бир ставкали, аҳоли нархи ва бошқалар (тегишлиси ёзилган)

2.3. Истъёмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага I-иловада келтирилган.

Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди кайд этилган электр энергиясининг миқдори аҳамиятга эга истъёмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг миқдори ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истъёмолчи билан белгиланган ил олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлашни шарт (7-илова).

2.4. Истъёмолчи томонидан истъёмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўлиниши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга

олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истъёмолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошқа воситалари ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар ва бошқалар) истъёмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсовидан ўтказилади, Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнақилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини хисобга олиш электрон приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсовидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш асбоблари Таъминотчи корхона маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истъёмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, пуliningдек, иккиламчи коммутация, хисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) хисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни алмаштириш, таъмирлаш, давлаг қиёсовидан ўтказиш ва ўрнатиш истъёмолчи томонидан улар қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда, Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

II. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб борувчи, камаловчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган Истъёмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истъёмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истъёмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миклор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миклор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миклорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги давр – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаловчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истъёмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истъёмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирамалар (устамалар) реактив энергияни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равишда истъёмол қилинган (хосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар/соат учун тўлов тарзида ундирилади.

чикилади ва Таъминотчи корхона томонидан давво мудага доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига электр энергияси етказиб бериш 70 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭХНАТга уланган ёки олдиндан ҳақ тўлаш курилмаси ва ҳисобга олиш приборига эга бўлган Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур Истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Таъминотчи корхона томонидан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда Истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар махсус дастурий махсулот орқали етказиш имконияти мавжуд бўлмаса ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағи ёзма шаклда бералади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублиги баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублиги баланси четарасида ўрнатилмаганда, четарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган бўйича бўлган участкада энергиянинг технология сарфлаши ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловлари амалга ошириладиган Истеъмолчи учун энергиянинг технология сарфлаши ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажми ёнш учун қўшиб борилади (6-7-иловаларни реактив қувватга эга ва технология бронли истеъмолчилар тўлдирари).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, Истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси

Реактив энергиянинг шартномавий миклори реактив энергиянинг иктисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миклори ҳисобга олинади, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миклоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уланган қувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғмалари форматда муқофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеъмолчи (ёки унинг вақили) билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миклорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тутагандан сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот ҳам истеъмол қилинган амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга ошириладиган Истеъмолчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автوماتлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭХНАТ деб аталади) жорий этилган истеъмолчиларда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автوماتлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камидан 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган сандан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган мuddатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб

хисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максалида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш хатги-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки Вазирлар Маққамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)нинг бузилишини бошқа ҳолатлари аниқланганда.

ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувағда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймастик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш максалида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг қонуний қучга кирган қарорларига асосан. Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), талбиркорлик субъектлари ёхуд фужаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний қучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратилиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Хисобга олилмаган энергия учун амалга оширилган тартибда Қоидаларни бузганлик Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўланиши ҳақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини лебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта улашишда Истеъмолчидан тўлов қуни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорига ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда хисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқиб қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта улашиши учун ҳақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олиннадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўйишга руҳсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш максалида фойдаланувчи идоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, пунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланилган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини хисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатилиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айти билан электр энергиясини хисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини хисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, хисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (булмагани) ташқаридан

технологик сарфининг бир қисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдориغا нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдориغا мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вақили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шақилантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жамаи ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорига тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажминини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фонзи микдорига, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фонз микдорига пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини қуйдаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр кабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўтирилган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қондани бузиши даволатномасини тузади. Ушбу даволатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчинни электр тармоғидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг қиймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчиннинг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр кабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр кабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охири алмаштирилган ёки улашни схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво мuddатидан олти кун бўлмаган мuddатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчиннинг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқшида кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўтирилган тақдирда – охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво мuddатидан олти кун бўлмаган мuddатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдори қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга ошириладиган вақтдаги тариф қўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юккланиш соатларида амал қиладиган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истеъмолчиннинг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объекттив сабабларга қўра, кўрсатилган мuddатда (ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш мuddати истеъмолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича даволатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Қоидаларни бузган Истеъмолчи электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Истеъмолчи даволатномани имзолашни рад этган тақдирда, қоида бузиш даволатномасида истеъмолчинни таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеъмолчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчиннинг электр қурилмаларини Таъминотчи корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиши;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиши;

Таъминотчи корхонага истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақсифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақсиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида худудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиши;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

##### 4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳарфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; “Ўзэнергонспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамда бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун худудий электр тармоқлари корхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлаб турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун

авария режимда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (ўчиртиш);

ЭХНАТга уланган ва олиндан тўланган маблаг тугатилган сўнг электр энергияси учун олиндан тўловни амалга ошириш қўрилмасига эга ҳисобга олиш асосида мажбур бўлган истеъмолчиларни узиш. Бунда узилган сўнг истеъмолчининг қўриши мумкин бўлган зарари учун Таъминотчи қорхона жавобгар бўлмайди.

Қондалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда Истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

Таъминотчи қорхона қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.4. Таъминотчи қорхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжасини объектларидати носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи ҳўжасини объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда Истеъмолчига олиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш Қондаларга мувофиқ бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган таслифларига мувофиқ беш кун муддатга электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

Истеъмолчига ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш. Истеъмолчининг сарфлаган электр энергияси учун қарзи вужудга келганда қарзини беш кун муддатга тўлаш зарурлиги тўғрисида ёзма хабардор қилиш (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

Таъминотчи қорхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭХНАТга муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўқинлик қилиши амалдати Қонуни ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи қорхонанинг талабига қўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдати микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

қорхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш зарурлигини аниқлаш максалида (махсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи қорхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. Таъминотчи қорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, Ташминотчи қорхона бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Ташминотчи қорхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар: Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, Худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги таърифуслар учун.

Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган холларда, Худудий электр тармоқлари қорхонаси бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.3. Томонлар уларнинг хошиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шартномаларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фақуллолда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмас, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмас, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра иқтисодий судларда ёки "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳақамлик судида хал қилинади. Низо Ҳақамлик судида хал қилинганида суднинг регламенти ва Низомига кўра хал қилинади. Ҳақамлик муҳокамасининг жойи: Ҳақамлик суди томонидан белгиланади. Ҳақамлик муҳокамаси I нафлар Ҳақамлик судьяси томонидан хал этилади. Ҳақамлик муҳокамаси билан боғлиқ чикимлар Ўзбекистон Республикаси "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

5.5 Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 5.4-бандида кўрсатилган тартибда "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳақамлик судида хал қилинади.

## VI. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари

6.1. Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари Худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан истеъмолчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади. "Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

6.2. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчининг технологик ва авария бронини анниклаш далолатномасига асосан, жорий йилнинг I октябридан кейинги йилнинг I октябригача бўлган давр учун тузилади ҳамда жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёқилги ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергиясини (кВт соатда) чеклаш жадвали. Жадвалда электр энергия истеъмолини истеъмолчиларнинг технологик бронингача, кейинчалик эса авария бронингача (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) ва бунда истеъмолчи 5 та навбатга бўлган ҳолда қисқартириш назарда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида қувват етишмаганда қувватни (кВтда) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг катта юкларини юзгага келадиган соатларда истеъмол қилинадиган қувватни истеъмолчиларнинг авария бронингача қамайтириш ва бунда истеъмол қилинадиган қувватни 5 та навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим;

қувват тақчиллиги юзгага келиши натижасида авария хавфи пайдо бўлганда ва чеклаш жадвалларини жорий қилиш имконияти бўлмаганда, қувватни чеклаш жадвали. Жадвалда узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари, ягона электр энергетика тизими истеъмолчиларини тўлиқ узиб қўйиш ва узиб қўйиладиган қувватни 5 навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим.

6.3. Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби қуйидагилар:

электр энергияси ва қувватни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ раҳбари фармойиши билан амалга киритилади. Диспетчерлик бошқаруvinинг барча даражаларида электр энергиясини чеклашни жорий этиш фармойиши оператив журналда чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақт қайд этилган ҳолда берилади;

Худудий электр тармоқлари қорхонаси истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергиясини чеклаш жадвалларининг амалга киритилиши тўғрисида жорий сутканинг соат 14<sup>00</sup> дан кечиктирмай, чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақтини кўрсатган ҳолда маълум қилади.

Электр энергиясини чеклаш жадвалларини зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақидаги билдиришнома сутканинг вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан I соат олдин истеъмолчиларга етказилади.

Узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан Худудий электр тармоқлари қорхонасида узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол жорий этилади.

Истеъмолчилар – чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига киритилган, шу жумладан узлуксиз ишлаб чиқариш технологик жараёнига эга қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (чеклаш ва узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари) чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларининг Худудий электр тармоқлари қорхоналари томонидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этиши шарт. Акс ҳолда, улар узиб қўйиш ва чеклаш жадваллари бажарилмаганлиги туфайли ягона электр энергетика тизими марказларидан мажбурий узиб қўйиш натижасида юзгага келадиган оқибатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Худудий электр тармоқлари қорхонаси электр энергияси ва қувватини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмаганда, уларни огоҳлантиргандан сўнг электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланган даражада қамайтириш таъминловчи миқдорда электр энергияси етказиб берилишини мажбурий равишда чеклайди.

Бу борадаги технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жавобгарлик Истеъмолчи қорхона раҳбарлари зиммасига юкланади.

6.4. Қондаларда назарда тутилмаган сабабларга кўра Истеъмолчиларни электр энергиясидан ўчирганлик учун Худудий электр тармоқлари қорхоналарига нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий чоралар қўлланилади.



Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати: 7 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсаат берилган қувват 7 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) III  
Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: беш ставкача

тариф тури, табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (красисен гулик сўратилган)

Давр	Энергия хажми минг. кВт/соат	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	<u>0,266</u>				
Февраль	<u>0,266</u>				
Март	<u>0,267</u>				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади \_\_\_\_\_ соат, ойда \_\_\_\_\_ кун

Умумий юклагага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I II III



Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

Истеъмолчининг (субъектларнинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлари, тури ва қурилган тоифаси (кВ)	Ҳисобга олиш прибори (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори элементлари рақами	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари	Тариф тури / кВт/соат	Ҳисоб-китоб коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари
						Улчов трансформаторларнинг трансформация коэффициенти	Кучланиш	
<u>97 севбот</u>	<u>7E 738P-3</u>	<u>8857001251</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>
<u>98 севбот</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>---</u>	<u>00510 45000</u>



**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси далолатномаси**

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами 13210025583 ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучланиш  
трансформатори \_\_\_\_\_ жами коэффициент \_\_\_\_\_ уланган қуввати 7 кВт  
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

- 1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_
- 2. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_

1. Истеъмолчининг балансда куйидаги электр қурилмалар мавжуд  
а) ҳаво электр тармоғи АНП-10 мВТ - 30 м

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_ кВА

2. Истеъмолчи ва Тъёминотчи корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси 10/20/10кВ п/с шовот ва 10кВ ФРР шовотлар ТП-6065дан шовотчи кп 0,4кВ ФРРчи энг яқин ҳаволи чўлғотқудан

3. Улардан куйидагиларг:  
а) максимум келарасидан кич  
барна электр қурилмасига  
\_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан 202\_\_ йил \_\_\_\_\_ санада тузилган \_\_\_\_\_-сонли Техник хизмат кўрсатиш шартнома асосида Тъёминотчи корхона томонидан хизмат кўрсатилади. Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузилмасе Тъёминотчи корхона томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: максимум келарасидан



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.р.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўқотиш:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Энергияни хар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.



Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ оyi бўйича  
Кўрсаткичлар қайд этилган сана " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ йил.

Ушланг жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициентини		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с, кВтАр.с	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умум- бошланғич	охириги			Эрта-вакът соат 6-9	Кун вақт соат 9-17	Кечки вақт соат 17-22	Тун соат 22-24	
1	2	3	4	5	6	8	9	10	11	12	13
Жами											

Изоҳ: 7 устун = 6 устун - 5 устун, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами 8 устун = 7 устун \*4  
устун, 8 устун = 9 устун +10 устун +11 устун +12 устун +13 устун.



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати		Узун вақт		Жами
		Эрталаб	Кечқурун	Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВтАр 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, жумладан: Автоматик бошқариладиган: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, Қўлда бошқариладиган: 1000 Втгача					
1.1.	1000 Вдан юқори, 1000 Вдан юқори, Қўлда бошқариладиган: 1000 Втгача					
1.2.	1000 Вдан юқори, Синхрон двигателлар - (СД), кВт СДнинг реактив қуввати, кВтАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)					
2.	Жами (16 +36) кВтАр:					
3.	1000 Вдан юқори					

Изоҳ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жасозланган таъмиқлотлар уланиш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)		Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
	I	II	I	II	IV	
Январь						
Февраль						
Март						
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Реактив энергиянинг хар бир ҳисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган кувват коэффициентининг олтимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмоЛ қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмоЛ қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий киймат миқдоридан ортнқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмоЛ қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санқияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига кувват коэффициентининг норматив киймати ИстеъмоЛчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун ИстеъмоЛчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан ИстеъмоЛчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўЛ қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари ИстеъмоЛчи ягона электр тизим тармоғида электр тармоғининг қатта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмоЛ қилинганда, агар ИстеъмоЛчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.



**Авариянинг ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДА-Ю-ЛАТНОМА**

ИстеъмоЛчининг \_\_\_\_\_ иштирокида тузилади.

Ягона электр энергетикаси тизимида уюқ мўддатли ёки қисқа мўддатли кувват танқислиги юзага келганда ИстеъмоЛчи қўйилган шартларни бажаришни керик

**1. Усуқна юкламасини технологик брон даражасига пасайтириш:**

Т/р	Технологик бронни таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла колдарилаган юкламалар куввати (кВт)	Июқ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар худлик билан учирилади. Учирилиш яроқсиз махсуслат ишлаб чиқарилиши, усқунанинг бузилиши, нормасини, ёқини, мадурасини ва бошқа бахтсиз ҳоудисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга нуқтиндек авария бронни таълуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт; II босқич \_\_\_\_\_ кВт;

III босқич \_\_\_\_\_ кВт; IV босқич \_\_\_\_\_ кВт.

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасига узнб қуйилади.

Т/р	Авария бронни таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла колдарилаган юкламалар куввати (кВт)	Июқ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт.

\* а) Учирялиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, илгнш тизимнинг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда кўрилсан ёрнгиичлари электр тармоғидан узилмаган ҳолда колдарилади.

б) Ёнгишга карши захира насослар ва бошқа ёнгишга карши агрегатлар авария бронни кирмадан (ушбу агрегатлар заруратта қараб, олдндан Таъминотчи корхона билан коллишнги холда руҳхатга киритишиши мумкин).

